



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 март куни АҚШнинг сенатор Стивен Дэйнс ҳамда Вакиллар палатаси кўмитаси раиси, конгрессмен Майк Рожерс бошчилигидаги делегацияларини қабул қилди.



Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда икки томонлама ҳамкорликда юқори даражага эришилгани, фаол мулоқотлар ва ўзаро таширлар давом этаётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Ўтган йилнинг сентябрь ойида Марказий Осиё мамлакатлари ва АҚШ етакчиларининг “С5+1” форматидаги биринчи саммити ҳамда самарали ишбилармонлик учрашувлари муваффақиятли ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари парламентлараро алоқаларни, шу жумладан, АҚШ Конгрессида фаолият юритаётган Ўзбекистон билан ҳамкорлик бўйича кокус ишини юқори баҳолади.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ошиб бормоқда, 2023 йил якунида у 30 фоизга ошди. Ўзбекистон бозорида муваффақиятли фаолият юритаётган АҚШ компаниялари сони ортмоқда. Мисол тариқасида мамлакатимизда қиймати 10 миллиард доллардан зиёд бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган “Air Products” компаниясининг фаолияти қайд этилди.

Америкалик қонун чиқарувчилар вакили қилаётган Монтана, Алабама, Вашингтон, Калифорния ва Техас штатлари билан фаол амалий ҳамкорликни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Таълим, қишлоқ хўжалиги, рақамли технологиялар, тоғ-кон саноати, “яшил” энергетика, фармацевтика, озиқ-овқат тармоғи ва бошқа соҳалар кооперация учун истиқболли йўналишлар сифатида қайд этилди.

АҚШ ҳудудлари бизнесининг Ўзбекистонга сафарларини ташкил этишга келишиб олинди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар, шу жумладан, Афғонистондаги вазият юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ”

одамлар ҳаётини ўзгартирмоқда

Маҳаллаларда ҳамма иш ўз маромида давом этарди-ю, самараси худди Иван Кривонинг масалидагидай аравани ўрдак осмонга, балиқ сувга, тошбақа эса қуруқлик сари торта бошлагандек тўлиқ кўринмаётганди. Маҳалла раиси ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори фаолиятини мувофиқлаштириши лозим эди. Аммо аниқ ваколатга эга эмаслиги, “Маҳалла бешлиги”нинг ҳар бири бешта ташкилотдан маош олиши гоҳида масалда баён этилгандай натижа кўрсатарди.

Муваффақиятнинг отаси кўп бўлади, деганларидек, қандайдир ютуққа эришилса, “бешлик”даги ходимларнинг ҳаммаси бу ҳақда ҳисоботида кiritишга, камчиликлар ҳақида гапирмасликка ҳаракат қилишга ўрганиб қолди.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони бундай бошбошдоқликка барҳам берди. Фармонда “маҳалла еттилиги” ҳар бир аъзоси вазифаси, жумладан, маҳалла раисининг барча фаолларга раҳбарлик қилиши, иш ҳамда вазифалар ҳамжиҳатликда бажарилиши, уларнинг фаолияти асосий самарадорлик кўрсаткичи (KPI) бўйича баҳолалини белгиланди.

Давоми 2-бетда

Олий таълим одимлари

РАҚОБАТБАРДОШ МУТАХАССИС

У қандай бўлиши лозим?

Бугунги кунда юқори билим ва тажрибага эга бўлган малакали мутахассислар тайёрлашда таълим, илм-фан ва амалиётнинг ўзаро интеграциялашуви жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда. Бундай ривожланишни белгилловчи рағбат билимга асосланган жамият учун хос бўлган юқори малакали ва ташаббускор кадрларга эҳтиёжнинг кучайиши ҳисобланади.

Олий таълим муассасаларининг асосий иш берувчилар билан ўзаро ҳамкорлиги ҳар икки томоннинг мақсадларига бўйича лойиҳаларда қатнашиш имконини беради. Шу билан бирга, ОТМ талабалари илғор жамоалар иш жараёнига қўшилиш ва ўзига бўлган ишонччи ошириш ҳамда ўз билим-кўникмасини намоён қилиш имкониятига эга бўлади.

Давоми 5-бетда

Нуқтаи назар

АНИҚ ҲИСОБ-КИТОБ ҲАМДА ТАҲЛИЛ

мақсадга эришиш асосидир

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида мамлакатимиз иқтисодиёти ҳажмини 2 баробар ошириш ва “даромадни ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш, хусусан, ялпи ички маҳсулотни 160 миллиард долларга ва аҳоли жон бошига даромадни 4 минг долларга етказиш белгиланган.

Албатта, ушбу мақсадларга эришиш аниқ ҳисоб-китоб ва таҳлил талаб этади. 2023 йилги давлат дастури доирасида иқтисодий тармоқларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар туфайли мамлакатимиз иқтисодиётида саноатнинг улуши 6 фоиз ошди. Лекин Стратегияда белгиланган мақсадларга эришиш учун бунинг ўзи етарли эмас. Шу боис, жорий йилда ялпи ички маҳсулотни камида 6 фоизга кўпайтириб,

100 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган.

Президентимиз 2024 йилда макро-иқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ривожланишни таъминлаш бўйича устувор вазифалар муҳофазаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратиб, бир қатор устувор вазифаларни белгилаб берган эди.

Давоми 4-бетда

ЯНГИ НАМАНГАН

улкан саноат ва индустриал ҳудудга айланади

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Наманган замонавий ва тарихий имкониятларга эга ҳудудлар сирасига киради. Жумладан, вилоятнинг ҳосилдор бўз тупроғи, серсувлиги ва мўътадил иқлими аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда катта аҳамият касб этади. Хусусан, мева-сабзавотчилик, полизчилик, чорвачилик ҳамда деҳқончилик учун етарли ресурслари мавжуд. Боз устига турфа минерал ва рудаларга бойлиги, тоғ-кон саноати, ишлаб чиқариш, заргарлик, ҳунармандчилик ривожлангани ҳамда қўшни давлатлар билан чегарадошлиги саноат ва туризм соҳасини жадал тараққий эттириш учун ниҳоятда қулай.

Давлатимиз раҳбари яқинда Наманган вилоятига ташрифи чоғида ҳали тўлиқ ишлатилмаган ана шу манбалардан инновацион ёндашувлар асосида, маҳаллий тажрибаларга таянган ҳолда самарали фойдаланишга эътибор қаратди. Ташриф доирасида хусусий секторлар фаолиятини янада кенгайтириш, маҳаллаларни иқтисодиётнинг турли тармоқларига, жумладан, олий таълим муассасаларига бириктириш ташаббуслари илгари сурилди.

Президентимиз ҳудудларга ташрифи чоғида замонавий инновациялар билан бирга, маҳаллий тажрибага таяниб иш тутиш зарурлигини ўқтиради. Мазкур ташрифда ҳам Сайхунбод тажрибаси асосида Намангандаги 4 минг хонадонни оилавий тадбиркорликка мунтазам жалб этиш белгилаб берилди.

Бунинг натижасида тўрт минг оиланинг даромадини ошириш, аъзоларини иш билан таъминлаш имконияти ву-жудга келади. Уларга касб-хунарга оид молиявий, техникавий кўмак, маслаҳат ва бошқа кўринишда ўқув-услубий, амалий ёрдам бериш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди. Бу муҳим вазифалар биздан таълим соҳасининг ҳаётийлигини ошириш, назария ва амалиётни уйғун олиб боришни талаб қилади.

Бундан ташқари, 35 минг хонадонга гулчилик, иссиқхоначилик, балиқчилик, асаларичилик, чорвачилик, узумчилик, қулпнай ва картошка етиштириш бўйича имтиёзли кредит ажратишга кўрсатма берилди. Бундай кенг қўламли кредит-лаш амалиёти шунга муносив даражали

кадрлар етиштиришни талаб қилиши табиий ҳол. Бугун ушбу сармоя тўғри йўналтирилмаса, кадрлар кўникмаси асосида назорат қилинмаса, кредитларнинг риск даражаси ошиб кетиши турган гап.

Япония инкқироздан кейин асосан, хотин-қизларни касб-хунарга ўқитишга эътибор қаратган. Натижада кунчиқар юртда ижтимоий муҳит барқарорлашди. Жумладан, оилавий тадбиркорлик, хўжаликни самарали юритиш, ёшларни меҳнаткаш ҳамда ҳунар ўрганишга мойил қилиб тарбиялаш учун мустаҳкам база яратилди. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг хонадонбай ишлаш ва аҳолини касб-хунарга жалб қилиш бўйича кўрсатмаси япон тажрибасига монанд экани билан тараққиётга ишон-ччи мустаҳкамлайди. Бу ижтимоий

чора-тадбирлар вилоятда ҳунармандчи-лик, заргарлик, ишлаб чиқариш, инсон капиталига эътиборни кучайтириш, ай-ниқса, техникумлар базасини кенгайти-риш ҳамда технопарклар ташкил қилиш жараёнини жадаллаштиради.

Наманганликлар билан учрашув асносида ҳудудда давлатга тегишли олтита ва хусусий учта олий таълим муассаса-си фаолият юритаётгани, улар орасида таянч ОТМ сифатида Наманган давлат университетининг халқаро жараёнларга интеграциясини таъминлаш, амалиётини қайта кўриб чиқиш таклифи илгари су-рилди. Энди мазкур ўқув муассасасидаги 71 таълим йўналиши 56 тага қисқартири-лади.

Давоми 3-бетда

Янгича ёндашувлар

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” ОДАМЛАР ҲАЁТИНИ ЎЗГАРТИРМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Ўтган вақт мобайнида “маҳалла еттилиги” томонидан маҳаллалардаги муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, камбағалликни қисқартириш, маҳалла ободлигини таъминлаш, муҳтож оилаларга берилаётган ижтимоий ёрдам ва субсидияларни мақсадли ажратиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ўзгаришлар, аввало, маҳалла аҳлининг розилигида, маҳаллалар қиёфасида намоён бўлмоқда.

Масалан, Шароф Рашидов туманидаги “Янги ҳаёт” маҳалла фуқаролар йиғини

худудида йиллар давомида муаммо ва ечимсиз масалалар йиғилиб бораверди. Маҳалла худудида битта мактабни ҳисобга олмганда бошқа бирорта давлат идораси ёки муассасаси йўқ эди. Балки шунинг учун ушбу маҳалла эътибордан четда қолгандир.

Биз Янги ҳаёт маҳалласига борганимизда “Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла” тамойили асосида бажарилаётган вазифалар натижаси, қилинадиган ишлар режаси муҳокама қилинадиган штабда иш қизгин эди. Хотин-қизлар фаоли Гулнора Исомхонова барча фаоллар фуқаролар йиғини биноси қурилишида эканини айтди.

Ёмғир ёғиб ўтганига қарамай, маҳалла аҳли ҳашар ташкил этган экан. Кимдир дарахтларга шакл бермоқда, аёллар эса йўллارни супуриб тозаламоқда.

Шу чоққача Янги ҳаёт ҳам ўз идорасига эга бўлмаган маҳаллалардан эди. Шунинг учун қурилишда иш қизгин, усталар бионинг пойдеворини кўтаряпти. Насиб қилса, яқин орада ушбу маҳалла ҳам ўз идорасига эга бўлади.

— Янгича ёндашувлар асосида ташкил этилган “маҳалла еттилиги”дан аҳолимиз мамнун, — дейди маҳалла раиси Содиқ Қурбонов. — Жумладан, бизга бириктирилган солиқ ходими маҳаллада табдиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, табдиркорлик фаолиятини қонунийлаштириш, солиқларни ўз вақтида тўлашга масъул ҳисобланади. Бундан ташқари, аҳоли орасида ҳар бир маҳалланинг бюджети тизими жорий этилгани, солиқларнинг аҳамияти, ушбу солиқлар орқали маҳалла ўз муаммоларини мустақил ҳал қилиши ҳақида кенг тушунчалар берилмоқда.

Маҳаллада ижтимоий ходим фаолият юритиши эса аҳоли, айниқса, ёлғиз, кекса, ногиронлиги бор шахслар ва бошқа муҳтожларга ижтимоий хизмат кўрсатиш масаласида айтиш мумкин бўлди. Аҳоли муаммолари маҳалланинг ўзида ҳал бўлаётганидан хурсанд. Президентимизнинг “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги фармонида аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва ҳудудларда қуноқлик масалаларини ҳал этишда маҳаллани жамоатчилик ҳамда давлат органлари ўртасидаги “таянч кўприк”ка айлантириш, маҳалла маблағларини аҳолининг овозига кўра,

инфратузилма лойиҳаларига йўналтириш амалиётини жорий қилиш ва маҳаллалардаги муаммоларни ҳал этиш учун ажратилган маблағлар миқдорини камида уч баробар кўпайтириш кўзда тутилган. Бу эса маҳалланинг мустақил ва халқчил тузилмага айланишига хизмат қилади.

Раиснинг айтишича, маҳаллада тез-тез ҳашар ташкил этилар экан. Уларга оқсоқоллар бош, ёшлар ёнбош бўлиб анча хайрли ишларни бажариб қўйишибди.

Дарҳақиқат, маҳалла ёнидан ўтувчи “Жиззах — Мирзачўл” автомобиль йўли ёқасига экилган дарахтларга бежирим шакл берилган, боғбон қўли теккани сезилиб турибди, танасининг паст қисми оқлаб қўйилибди. Кўчалар обод, ҳар бир хонадон соҳибни ўз ҳовлиси атрофи тозалигига масъул. 2023 йилда маҳалла худудига “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 3100 туپ дарахт кўчатлари ўтқазилиб, уларнинг парвариши бўйича масъулар белгиланган.

— Маҳалламизда ёлғиз қариялар, ёши улуг инсонлар, боқувчисини йўқотган оилалар бор. Ҳовли ва хонадонларни таъмирлаш бошланганида уларнинг ҳовлиларини ҳашар қилиб тозаладик. Уйлари таъмирлаб, ҳовлисини гул, кўкатлар экишга тайёрлаб қўйдик, — дейди ҳоким ёрдамчиси Миржаҳон Хурсанов.

Айни пайтда маҳаллада 1000 метр масофага ичимлик сув қувури ётқизилмоқда. Бешта кўчани асфальт қилиш режаси белгиланган. 1,6 километр табиий газ тармоғи тортилибди.

Худудда табдиркорликни ривожлантириш имконияти мавжуд. Томорқадан самарали фойдаланиш ҳисобига, ўзини ўзи

банд қилиш, кичик бизнес субъектлари очиш ҳам мумкин.

— Маҳаллада 651 та хонадон бор, уларнинг 95 фоизи чорвачилик билан шугулланади, — дейди ҳоким ёрдамчиси. — Лекин одамлар ҳовлисига иссиқхона қуриб қўшимча даромад олишни ҳам ўрганимоқда. Биз уларга қўлимиздан келганча ёрдам берамиз.

Оқсоқоллардан бири Бахтиёр Маманов ҳовлисига 1,5 сотих ерга иссиқхона қуриб, кўкат етиштирмоқда. Турмуш ўртоғи Гулнора опа бош бўлиб келинлари ва набиралари билан экинларни парвариш қилмоқда. Кўкатлар узишга тайёр бўлиши билан бозорга етказиб беришмоқда.

— Маҳалламиз “Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла” дастури доирасида янги қиёфа касб этаётир. Айни пайтда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда, кўчалар кенгайтирилиб, асфальт ётқизилади, тунги ёритиш чироқлари ўрнатилмоқда. Биз маҳалламиз еттилиги фаолиятидан розимиз. Шахсан ўзим улар билан маслаҳатлашиб, берилган имкониятлардан фойдаланиб, яна бир ўлимнинг ҳовлисига иссиқхона қуришга аҳд қилдим, — дейди Бахтиёр Маманов.

Шоймардон ака Қаршибоев эса ҳақиқий деҳқон, ҳовлисига иссиқхонага ҳар

йили бодринг экади. Баҳор бошланиши билан далага чиқиб кетади, даладан ер олган. У ерга кўзда галла экиб қўйибди. Галлани ўриб олиши билан ерни оралиқ экинлари учун тайёрлайди.

— Тўқинлик ва қўт-бараканинг отаси меҳнат бўлади, — дейди Шоймардон ака. — Даладан олаётган галламиз ёрдамчи хўжалигимиздаги чорвага озуқа, кейинги экинлар ҳосилини кузда бозорга чиқарамиз. Маҳалламиздаги солиқ ходими тавсияси билан йўл ёқасидан дўкон қуришни кўзлаб турибман. Янги узилган бодринг, сабзавотларнинг харидори кўп бўлади. Бундан ташқари, яқинда маҳалламизнинг ижтимоий ходими бепул санаторийда даволаниш учун онлайн рўйхатга қўйди. Насиб қилса, тенгдошларим билан бориб, саломатлигимизни тиклаб келамиз.

Дарҳақиқат, халқимиз фаровонлигини ошириш, уларни ҳаётдан рози қилишда маҳалла тизимининг ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда. Одамлар йилдан йилга фаровон ҳаёт кечиради интилимда. Энг асосийси, уларда эртанги кунга ишонч бор. Буни янгиланаётган Янги ҳаёт маҳалласи мисолида ҳам аққол кўриш мумкин.

Асад МУСТАФОЕВ,
журналист

Томорқачилик

ИШ БИЛГАН МИЛЛИОНЛАБ МАБЛАҒ ТОПАДИ ДАНГАСАГА БАҲОНАНИНГ ТУРИ КЎП

Ўтган йили сайёр қабуллардан бирида иштирок этиб қолдим. Ўша куни туман марказидан унча узок бўлмаган маҳаллада виллоят мутасаддилари қабул ташкил этганди. Деярли ҳар бир соҳадан вакиллар келган, тегишлича аҳолининг дардига қўлоқ тутмоқда. Ҳокимлик ва раҳбарлар муаммоларга имкон даражасида шу жойнинг ўзида ечим топишга ҳаракат қиларди. Сектор раҳбарларидан бири бундан бир оз олдин шу яқин атрофдаги маҳалладаги оила бекасаси фойдаланиш учун газ баллони сўраб мурожаат қилганини, ҳозир вақтдан фойдаланиб олиб келинган шу газ баллонини унга топшириб келмоқчилигини айтиб қолди. Кўпчилик қатори мени ҳам тақлиф қилишди. Тўрт-беш киши ҳамроҳлигида йўлга тушдик.

Машинада чамаси ўн дақиқа юрилгач, бир ҳовли олдига келиб тўхтадик. Дарвозадан қирқ ёшлар атрофидаги аёл кўриниш берди. Сектор раҳбари мақсадни тушунтиргач, газ соҳаси ходимлари баллонни ўзлари ўрнатиб беришини айтди. Изн сўраб, ҳовлига кирдик.

Каттагина ҳовли, тахминан тўрт хонадан иборат уй. Айвон эшиги олдини ажриқ босган. Бир қарашда уй эгасиздек. Томорқа 12 сотихга яқин. Ҳовлининг бир четидан кичик ариқда сув оқиб, қўшни томонга ўтиб кетяпти. Шунча жойда бирор туپ дарахт экилмаган. Шунча ер ажриқ босганча бўш ётибди. Бир энлик жойга ҳам бирор экин экилмаган. Гўё бир асрдан буён бу ерда биров яшамаган. Мутахассслар газ баллонни ўрнатгунча вақтдан фойдаланишга ҳаракат қилиб, оила бекасини суҳбатга тортидим.

— Турмуш ўртоғингиз бирор жойда ишлайдими?

— Ҳа, мавсумий ишда ишлайди. Кунлик чиқиб, бировларнинг буюртмасига кўра, хонадонидagi ер ағдариш, девор суваши каби юмушларни бажариб беради.

— Бир ойда қанча ишлаб топади?

— Билмадим, дея нолишга тушди.

Топаетганида барака йўқлиги, тиним билмасдан меҳнат қилса-да, орттириб бўлмаётгани, хуллас, бир қанча муаммолар гирдобиди қолганини айтди. Аммо каттагина ҳовли нега бир марта ҳам ишлов қилинмагани, шу ернинг ўзидан қанча ҳосил етиштириб, даромад топиш мумкинлигини тилга олмади. Бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаган, шекилли. Энг қўлайи, ҳовлидан сув оқиб ўтмоқда. Дангасага баҳонанинг тури кўп. Шу сабаб бошқа савол беришни хоҳламадим.

Бу воқеани эслашимга эса атиги тўрт сотих ердан яхшигина пул топаётган оила сабаб бўлди. Қуйида шу ҳақда.

Кичик ҳовлининг катта даромади

Тенгдошлари қатори Маҳбуба ҳам мактабни тугатиши билан олийгоҳга ўқишга кириш ҳаракатига тушиб қолди. Бунинг учун анча йилдан буён ўзи мустақил тайёрларлик қўриб юрарди. Айниқса, она тили, адабиёт, инглиз тили бўйича пухта ҳозирлик кўрган. Устозлари унга ишонч билдирганди. Ўзининг орзуси ҳам ўқитувчи бўлиш. Аммо оилада ҳаммаша қиз боланинг олисга бориб ўқишига розилик берилавермайдди. Бундан ташқари, ота-онанинг имкониятини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Шу сабаб, орзуни амалга ошириш учун турли тўсиқлардан ўтиш лозим бўлади.

Маҳбуба оиласи яхши яшаётганини англаса-да, олис шаҳарга бориб ўқишига розилик бўлмаглигини англаб турарди. Шундай бўлса-да, кўнглидаги ниятини очик айти олди. Буни олдиндан сезган отаси қизининг кўнглини қайтара олмади. Фақат сиртқи таълимда ўқишга розилик берди. Шунисига ҳам мамнун бўлган қиз Қарши давлат университетига ҳужжат топшириб, имтиҳонлардан юқори балл билан сиртқи йўналиш бўйича талаба бўлди. Шундай кунларда аллақачон безовта қилишни бошлаган совчиларга ота-онаси қизимиз ўқиш орзусида, дея жавоб қайтаришига қарамай, унинг сиртқида ўқитганини эшитган совчилар яна остона ҳатлаб келишни бошладди.

Уйдагилар уни турмушга беришганида энди ўқишим қилиб кетса керак, бунинг устига контракт бўлса, деб таъвишланди. Йўқ, аслида, бошқача бўлди. У келин бўлиб тушган хонадон ишининг кўзини билладиган, ҳовлидан ташқарига чиқмасдан яхшигина даромад топадиганлар хилидан экан. Маблагни йил ўн икки ой келадиган қилиб, шунга имконият яратиб олган. Бу одатга тезда қўниққан Маҳбуба ҳам ишга киришиб, бировга оғири тушмасдан контракт пулини ўзи шу ерда топадиган бўлди.



— Томорқамиз унчалик катта эмас, деҳқончилик қиладиган жой тўрт сотих, — дейди Чироқчи тумани Пақанди маҳалласида яшовчи Маҳбуба Очилова. — Ҳозир шу жойнинг ўзидан ойига камида ўн миллион сўмдан зиёд топамиз. Йил ўн икки ой деҳқончилик маҳсулотларини бозорга қачқариб сотамиз. Қишда кичик иссиқхоналар қилиб, совуқдан ҳимоя чораларини кўрамиз. Яъни тол дарахтининг таёқларини ариш ой шаклида эгиб, ундан сўнг плёнка билан қоплаймиз. Унча балид бўлмагани боис, совуқ таъсир қилмайди. Бир четдан олиб, сотаверамиз. Ана шу меҳнатим фойдасидан контракт пулини тўлаб келяпман, бундан ташқари, рўзгорга ҳам нафизимиз тегмоқда.

Шу кунларда турли сабзавот кўчатларини бозорга чиқаришга ҳозирлик кўряпмиз. Жумладан, эрта-ининг помидор, бодринг, булғор қалампери ниҳоллари сотувини бошлаймиз.

Маҳбуба келин бўлиб тушган хонадон ҳақиқий меҳнаткашлар оиласи. Ойлада талаба биргина Маҳбуба эмас. Яна икки ўғил ва бир келин ҳам контракт асосида олийгоҳда таълим олмоқда. Буларнинг барчаси шу кичкина ҳовлидаги томорқадан топилаётган каттагина даромаднинг ортидан.

— Фарзандларим ёшлигидан шу ерда меҳнатга ўрганилиб босиб, бирор жойдан иш излаб юрмайди, — дейди оила бошлиғи Салим Худойберганов. — Меҳнат

қилган роҳатини кўради, деб бежиз айтилмаган. Агар киши ўзи хоҳлаб, астойдил интилса, ҳеч қачон бирор нарсасга зориқмайди. Гоҳида арзимас нарсасга нолиб, оҳ-воҳ қилаётганларни кўрсам, жажлдан чиқади. Қўл-оёғи бутун, соғлом бўла туриб, наҳотки, бошқалар қилган меҳнатни уйдлаш мушкул. Томорқа ҳазина эканлигини кўпчилик англаб етавермайди. Беҳуда сарсон бўлиб, хорижга бориш шарт эмас. Кўз олдингиздаги ҳовлида бир оз жон қойитиб, ҳаракат қилинг, самараси қандай бўлишини кейин кўрасиз.

Мақтаниш бўлмасин, тўрт сотих ердан олинган маблағ ҳисобидан икки ўғил, икки келинни ўқитяпман. Шунинг ортидан турмушимиз фаровон. Яқинда янги машина олиш ҳаракатидамиз. Ҳалол меҳнат ортидан келаётган ноннинг таъми ўзгача. Шукрки, бугун юртимиз обод. Шу боис, биз ҳам бозорларимизнинг тўкин бўлишига оз бўлса-да, ҳисса қўшаётганимиздан хурсандимиз.

Бекорчи ёшнинг ўзи йўқ

Баҳора Яхшибоева ҳам шу маҳаллага келин бўлиб тушган. У дастлаб бу ернинг одамларини тиришқоқ, ерга меҳр берган, ишининг кўзини билладиган кишилар, деб ўйламаганди. Бугун ўзи ҳам шулар сафидан жой олган.

Қуш уясига кўрганини қилади, деганларидек, янги келин бўлиб тушган хона-

дониди одат бошқача экан. Бу ерда эрта тонгдан томорқада иш бошланади. Саҳардан биринчи бўлиб қайноғаси кетмон кўтариб, ер чопишга киришади. Унинг ортидан эргаган қайноғаси эса экилган пиёзни бегона ўтлардан тозалаш билан банд. Турмуш ўртоғи ариқдан сув келтиришга шошилади. Бундай пайтда томошабин бўлиб туришнинг ўзи уят. Хоҳлаб-хоҳламайгина қайноғаси ёнида ўтирганча ишга киришади. Лекин бир сотихга яқин ерда кўм-кўк бўлиб турган пиёзга қараркан, шунча жойни бегона ўтдан тозалаб чиқишга кўзи етмасди. Аммо на илож, қолганлар қатори ишлаш керак.

Бир оз ўтиб дарвоза ортидан машина сигнални эшитилди. Қайноғаси шошганча ичкаридан бир қанча кўкатларни кўтарганча ташқарига йўл олди. Сал ўтмай, қўлида бир даста пул кўтариб қайтди. Уни келинига узатиб, ичкарига олиб бориб қўйишни айтди. Баҳора ажабланиб пулни олганча, уйга кириб кетди. Бу ҳолат ҳар куни такрор бўлгани учун бошқа биров эътибор ҳам қаратмади.

Кейинчалик билишчи, ҳар куни харидор ўзи келиб, маҳсулотларни сотиб олиб кетар экан. Демак, шу меҳнатнинг ортидан ҳар куни даромад келади.

— Олти сотихгина томорқадан шунча фойда кўриш мумкинлиги ҳаёлимга ҳам келмасди, — дейди Баҳора Очилова. — Ҳозир ҳам кўпчилик ишонмайди. Аслида, бир йилда камида 150 миллион сўмга яқин ишлаб топамиз. Яна бозорга бориб сарсон бўлиш ҳам шарт эмас. Шу ернинг ўзидан келиб, олиб кетишади. Ҳовлидан ташқарига бир қадам чиқмасдан яхшигина пул топиш мумкин экан. Оиламиз катта. Тўққиз жонмиз. Турмушимиз яхши. Ҳаракат қилган кам бўлмайди, деганларидек, ҳеч нарсадан муаммо йўқ.

“Пақанди” МФЙ ёшлар етакчисининг айтишича, худудда нафақат катталар, балки ёшлар орасида ҳам бекорчининг ўзи йўқ. Бугун маҳалланинг асосий драйверига айланган кўчатчилик ва кўкат етиштириш ҳар бир хонадонда мавжуд. Бунинг эвазига оилалар фаровонлик ва ободликка юз тутмоқда. Асосийси, пешона тери ортидан келган маблағнинг роҳати ўзгача бўлишини пақандилиқлар кейинги пайтда кўпчиликка таъкидлашдан чарчамайди.

Ақбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Инсон қадри учун



ЯНГИ НАМАНГАН

улкан саноат ва индустриал ҳудудга айланади

Қўнғиротбой ШАРИПОВ,
олий таълим, фан ва
инновациялар вазири

Бошланиши 1-бетда

Илм фақат ўқиш орқали эгалланади. Бу жараёнда ўқув адабиётларининг етарли бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, таълим сифатини оширишда ОТМни адабиётлар билан таъминлаш, ўқув дастурларини янгилаш вазифаси белгиб олинди. Олдимизга интеллектуал билимга бой, камида 3 та хорижий тилини биладиган кадрларни тайёрлаш талаби қўйилди.

Ўтган даврда туризм соҳасида маҳаллабай, хонадонбай ишлаш ва хонадон туризмининг ташкил этиш орқали аҳоли кенг қатламнинг оилавий ўзини ўзи банд қилиш тизими жорий этилган эди. Ана шу тажрибани олий таълим тизимида ҳам қўллаш тақдир этилди. Айни пайтда вилоятдаги олийгоҳларда 65 минг талаба ўқийди. Уларнинг 32 минги бошқа вилоятлардан келган. ОТМлар атрофида эса 43 та маҳалла бор. Ушбу маҳаллалар масъуллари билан бир ёқадан бош чиқариб, уй ётоқхоналарини ташкил этиш орқали минглаб талабаларни нафақат ётоқ жой билан таъминлаш мумкин, балки бу маҳаллабай ишлаш кўникмасини ҳосил қилишда ҳаётини мактаб вазифасини ўтайди.

Ташриф чоғида хунармандчиликка қўли келишадиган наманганликларни иш билан таъминлаш ва фаровонлигини ошириш мақсадида соҳани модернизация қилиш бўйича топшириқлар берилди. Жумладан, заргарликни ривожлантириш учун туркиялик ишбилармонлар билан тажриба алмашиш, соҳага оид қўнғиротбой таъминлаштириш, инвестор ва маҳаллий тадбиркорлар билан ҳамкорликда кадрлар билан таъминлаш жараёнини режалаштириш зарурлиги қайд этилди. Шунингдек, бозор талабидан келиб чиқиб, автомобиль саноатида қўлланиладиган харидорларни маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш ва экспортини ошириш, доимий иш ўринлари яратиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Бундай истиқболли дастурлар вилоят олий таълим муассасаларидаги таълимнинг кредит-модуль тизимини, академик фаолиятни самарали бошқариш, илмий лаборатория иншанмаларини ҳаётга жорий қилиш, хусусан, озиқ-овқат ва консерва маҳсулотлари, трикотаж ҳамда кийим-кечаклар ишлаб чиқариш долзарблигини кўрсатади.

Худуд ОТМларидаги озиқ-овқат хавфсизлиги, қадоқлаш, метеорология стандартлаштириш, чарм буюмлари технологияси, сунъий интеллект ва автоматлаштириш, машинасозлик каби илмий-ишлаб чиқариш лабораториялари фаолияти жонланмоқда.

Вилоят қишлоқ хўжалиги ва саноати Норин ҳамда Сирдарёдан сув олади, 2 та

магистрал канал ва 9 та сув омборидан фойдаланади. Бироқ Наманганнинг гидроэнергетикадаги салоҳияти ҳали тўлиқ ишга солинмаган.

Ташриф давомида Норин дарёсида ГЭСлар каскади қурилишига старт берилгани, 228 мегаватт 6 та станцияда йилига 1 миллиард киловатт электр энергияси ишлаб чиқарилиши бўшлиқни тўлдирдишда муҳим аҳамият касб этади. 2024 йилда Катта Андижон каналда 51 мегаватт 1 “Қўғай-1, 2”, “Бешқўрғон-1, 2” кичик ГЭСлар каскади ишга туширилиши худудда энергия тақчиллигини камайтириш, кадрларни иш билан таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, жорий йилда Попда минг мегаватт 2 та қуёш электр станцияси барпо қилиниб, 2,2 миллиард киловатт электр энергияси ишлаб чиқарилади. Натижада вилоят ўз эҳтиёжини тўлиқ қоплаб, йилига 2,5 миллиард киловатт электр энергияси экспорт қилиш имкониятига эга бўлади.

Айни пайтда вилоят ОТМлари ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Илмий тадқиқотларини ишлаб чиқаришга таъбиқ этиш, узвийликни таъминлаш ва электр энергияси соҳасига илмий асосланган инновацияларни жорий қилишга интилоқда. Масалан, наманганлик ёшлар қуёш ва шамол энергияси ёрдамида ишловчи қурилмалар яратилганига гувоҳ бўлдик. Уларни амалиёт билан уйғунлаштириш бўйича саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватладик. Чунки худуд ёшларининг қишлоқ хўжалигини механизациялаш қурилмалари, жамоат транспорти ҳаракатини тартибга солиш бўйича лойиҳаларига қизқиш юқорилиги кузатилди.

Таҳлилларга кўра, Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг Бионика лабораторияси фаолияти истиқболли, деб топилди. Вазирлик томонидан 1,5 миллиард сўм эвазига молиялаштирилган лаборатория энг сўнгги русумдаги қурилмалар билан жиҳозланган. Унда талабалар ва ўқувчилар бионика ва робототехника билан шуғулланиб келаётди.

Мазкур ОТМда умумий лойиҳа қиймати 86 миллиард 300 миллион сўм бўлган минг ўринли талабалар турар жойи ва давлат-хусусий шериклик асосида 12 қаватли

янги талабалар турар жой биноси қурилоқда. Яратилган шаронглар, таълим сифатини ошириш борасидаги ташаббуслар, ОТМларда “Технопарк” лойиҳалари жадал ишга туширилаётгани назария билан амалиётни узвий боғлайди.

Ангрен шаҳридан Тўрақўрғон туманига бўлган 100 километрлик йўлда автомобиль оқими кунига 10 мингдан ошади. Бироқ сўлим табиат ва гўзал манзарага эга бу йўлда йўловчиларни ўзига жалб қиладиган лойиҳалар кам. Шу боис, йўл бўйи сервис Поп, Чуст, Тўрақўрғон туманлари учун драйвер бўлиши, тадбиркорлар 2,5 триллион сўм инвестиция киритиб, 10 минг аҳолини доимий иш билан машғул қилиши мумкинлиги қайд этилди.

Вилоятда ёш олимлар, қурилиш йўналишида таълим олувчилар учун махсус ишлаб чиқариш майдонлари ва лабораториялар ташкил этиш бўйича ҳам илмий дастурлар амалиётга жорий қилинаётгани кузатилди. Шаҳар ва маҳалла инфратузилмасини яхшилаш масалалари муҳокама

Наманганни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда одамларнинг меҳнати ва тадбиркорлиги туфайли вилоятда ҳаёт ўзгараётгани таъкидланди. Сўнгги етти йилда вилоят иқтисодиёти 2 баробар, экспорт 3 карра ўсиб, аҳоли жон бошига даромад 15,5 миллион сўмга етган. Шунингдек, 65 триллион сўм инвестиция ҳисобига 600 минг иш ўрни яратилган.

қилинар экан, аҳоли зичлиги юқори бўлган Наманган вилоятида уй-жой қуриш ишларини кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

Икки йил олдин 1203 гектарда Янги Наманган шаҳри қурилиши бошлангани, жорий босқичда 20 минг хонадонли турар жой, 17 га, меҳмонхона, бизнес маркази, шунингдек, 68 гектарда “Янги Ўзбекистон боғи” қурилиши бошланиши маълум қилинди. Чуст ва Поп туманида 10 минг оила учун “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилишига старт берилгани наманганликларни қувонтиргани шубҳасиз.

Давлатимиз раҳбари Уйчи туманидаги “Қўмтепа” ёшлар кичик саноат зонасида ҳам бўлди. Ёшлар билан қизгин кечган суҳбатда маҳаллаларда шакланган касб-хунарларни ривожлантириб, драйверга айлантириш, шу орқали аҳоли бандлиги ва даромадини ошириш муҳимлиги таъкидланди. Ушбу тумандаги Қўмтепа, Деҳқон, Баландариқ ва Жийдақапа маҳаллаларида темирчиликка ихтисослашган саноат зонаси ташкил этилиб, хонадонлардаги уста-хунармандларга зарур шароит яратиб берилди. 4 га гектар майдонни эгаллаган мажмуа йўл, энергия, ичимлик ва оқова сув каби барча инфратузилма билан таъминланди. Шу билан бирга, энергиятежамкор усуллар жорий этилиб, қуёш

панелларидан самарали фойдаланилоқда.

Мазкур саноат зонасида биринчи босқичда 52 та лойиҳа амалга оширилди, 1500 дан ортиқ иш ўрни яратилган. Усталар хомашени “Азия металл проф” корхонаси ва Тошкент металлургия заводидан олиб, темирдан дарвоза, эшик, сўри, панжара ва бошқа металл буюмлар тайёрламоқда.

Энг муҳими, бозорда ушбу маҳсулотларга талаб ошмоқда. Шу боис, тадбиркорлар барча вилоятларда ўз савдо уйлари ва ишлаб чиқариш филиаллари очгани ҳамда қўшни давлатларга 1,2 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилгани эътироф этилди. Иккинчи босқичда яна 45 та лойиҳани амалга ошириш, 1330 та қўшимча иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Президентимиз мутасаддиларга саноат зонаси майдонидан самарали фойдаланиш, ёшларни ва ишсиз фуқароларни касб-хунарга жалб этиш бўйича кўрсатмалар берди. Шу ерда маҳаллабай ишлаш орқали ишсизликни камайтириш бўйича вазифалар муҳокама қилинди. Масалан, Сайхунобод тажрибаси асосида 14 та тумандаги 788 маҳаллага иқтисодий соҳа идораларининг раҳбар ва масъул ходимлари бириктирилгани таъкидланди. Улар “Маҳалла еттилик” билан бирга 557 минг хонадоннинг имкониятларини ўргангани намуна қилиб кўрсатилди.

“Азия металл проф” корхонасининг галдаги режаси лойиҳанинг якуний босқичини йил охиригача ишга туширишдир. Натижада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ортиб, ҳамкорлик географияси кенгайди. Яна 160 та янги иш ўрни яратилди. Хусусан, бу ерда 2,2 минг тонна эмалланган сим, 6 минг дона электр двигател, 4 минг дона катта ҳажмдаги сув насоси ишлаб чиқариш имконияти яратилди. Бу эса кооперацияни кенгайтириб, маҳаллийлаштириш даражасини оширади.

Ташриф асносида вилоятда умумий қиймати 4 миллиард долларлик 47 лойиҳа шакллантирилгани, шундан 2 миллиард 300 миллион долларлик 17 таси ҳаётга жорий этилгани қайд этилди. Мазкур лойиҳаларга Россия, Хитой, Туркия, БАА, Франция, Германия, Австрия, Италия, Нидерландия, Эрон, Покистон каби мамлакатлар компаниялари инвестиция қилган. Чуст ва Поп туманида 10 минг оила учун “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилишига старт берилгани наманганликларни қувонтиргани шубҳасиз.

Давлатимиз раҳбари Уйчи туманидаги “Қўмтепа” ёшлар кичик саноат зонасида ҳам бўлди. Ёшлар билан қизгин кечган суҳбатда маҳаллаларда шакланган касб-хунарларни ривожлантириб, драйверга айлантириш, шу орқали аҳоли бандлиги ва даромадини ошириш муҳимлиги таъкидланди. Ушбу тумандаги Қўмтепа, Деҳқон, Баландариқ ва Жийдақапа маҳаллаларида темирчиликка ихтисослашган саноат зонаси ташкил этилиб, хонадонлардаги уста-хунармандларга зарур шароит яратиб берилди. 4 га гектар майдонни эгаллаган мажмуа йўл, энергия, ичимлик ва оқова сув каби барча инфратузилма билан таъминланди. Шу билан бирга, энергиятежамкор усуллар жорий этилиб, қуёш

Поп туманида Германиянинг “Hyer Partners GmbH” компанияси томонидан 500 мегаватт қуёш электр станцияси қурилиши, мазкур лойиҳанинг қиймати 350 миллион доллар бўлиб, йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 1 миллиард 95 миллион киловатт-соатни ташкил этиши қайд этилди.

Шу билан бирга, БААнинг “Tepelen Group Holding Limited” компанияси билан ҳамкорликда қуёш электр станцияси ҳам Попда қурилади. Унинг ҳам қиймати 350 миллион доллар, қуввати 500 мегаватт бўлади. Ушбу станцияларни шу йил якунига қадар тармоққа улаш кўзда тутилган. Уларда 120 киши доимий иш ўрнига эга бўлади.

Мазкур лойиҳалар натижасида Наманган вилоятининг генерация қуввати 2141 мегаваттга етади. Йиллик 7,8 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бу эса вилоятнинг электр энергиясига бўлган 5,5 миллиард киловатт-соатлик талабини тўлиқ қоплайди.



Ортган 30 фоиз электр энергияси Андижон ва Фарғона вилоятларига йўналтирилади.

Наманганни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда одамларнинг меҳнати ва тадбиркорлиги туфайли вилоятда ҳаёт ўзгараётгани таъкидланди. Сўнгги етти йилда вилоят иқтисодиёти 2 баробар, экспорт 3 карра ўсиб, аҳоли жон бошига даромад 15,5 миллион сўмга етган. Шунингдек, 65 триллион сўм инвестиция ҳисобига 600 минг иш ўрни яратилган.

Худудда ҳали кўп имкониятлар ишга солинмагани, жойларда камчиликлар ҳам борлигига танқидий-таҳлилий баҳо берилди. Масалан, вилоят экспортининг 86 фоизи тўқимачилик ва мева-сабзавотчилик ҳиссасига тўғри келади. Поп, Чортоқ, Норин ва Янгиқўрғонда саноатлаштиш даражаси пастлиги ҳамда 56 минг томорқада маҳсулот етиштирилмаётгани салбий ҳолат сифатида баҳоланди.

Йиғилишда шу каби муаммолар таҳлил қилиниб, имкониятларни тўлиқ ишга солиш бўйича вазифалар белгиланди. Кейинги йилларда 72 та кичик ва ёшлар саноат зонаси ишга тушишига қарамай, 16 та саноат зонасидаги 78 гектарда қўшимча лойиҳаларни жойлаштириш имконияти борлиги, 29 та нурда қонига саноат кириб бормагани қайд этилди. Вилоятнинг қўшни давлатларга экспорти 568 миллион доллар бўлиб, бу мавжуд имкониятга мутлақо тўғри келмайди.

Шу боис, худуддаги конларни савдога чиқариш, қўшимча божхона постлари ва савдо уйлари очиш, Наманган халқаро аэропортида юк терминали ва Қамчиқ довозига яқин жойда логистика маркази ташкил этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Тўқимачилик, чарм-пойабзал, заргарлик, электр техникаси, қурилиш материаллари тармоқларидаги лойиҳалар бўйича кўрсатмалар берилди.

Наманганда 1,5 миллион тонна мева-сабзавотдан 10 фоизи экспорт қилинган, иш тўғри ташкил этилмагани, экспортни 3-5 баробар ошириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди. Шу мақсадда вилоят мева-сабзавот экспорти географиясини Хитой, Германия, Италия, Испания ва араб давлатларига кенгайтириш ҳамда 54 минг гектар ернинг агрокимёвий харитасини ишлаб чиқиб, 18 минг гектарини GSP+ талабларига мослаштириш зарурлиги таъкидланди.

Вилоятда мева-сабзавот, гўшт ва сутни қайта ишлаш кўрсаткичи ҳам паст. Масалан, Косонсой ва Чортоқ туманлари мева-сабзавотчиликка ихтисослашган бўлса-да, бирорта қайта ишлаш корхонаси йўқлиги айтилди. Шу боис, бу йўналишда 141 миллион долларлик 62 лойиҳа ишга туширилади. Косонсой ва Попда йирик чорвачилик кластерлари ташкил этилиши белгиланди.

Президентимиз қарорига мувофиқ, 2022 йилда Исҳоқхон Ибрагимов номидаги Наманган давлат чет тиллар институти ташкил этилган эди. Айни пайтда мазкур ОТМда жаҳон тиллари факультети, 6 та кафедра ва 16 та таълим йўналиши мавжуд. Бугун икки босқичда 1523 нафар





Нуқтаи назар

АНИҚ ҲИСОБ-КИТОБ ҲАМДА ТАҲЛИЛ мақсадга эришиш асосидир



Сарвар МАҲМУДОВ,
*Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси
докторанти*

Бошланиши 1-бетда

Масъулар олдига бу йил қўшилган қиймат-ни 45 фоиздан ошириш, таннархни 15 фоизга камайтириш, умуман, санаятда 7 фоиз ўсишни таъминлаш бўйича “корхонабай” ишлаш чораларини кўриш вазифаси қўйилди. Унинг ўз вақтида ва самарали бажарилиши, нафақат мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига, балки халқимиз турмуши юксалишига, янги иш ўринлари яратилишига, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори кўпайтирилишига хизмат қилади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар самараси, буй кўрсатаётган янгиланишлар одамлар турмушидаги ўзгаришлар, уларнинг юз-кў-зидаги мамнулик, бугунги кундан розилик ифодаси Улароқ ҳаётимизда ўз аксини топапти.

Маҳалла миллий модели
нима дегани?

Албатта, миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун, аввало, давлатнинг молиявий ресурсларидан самарали фойдаланиш зарур. Бунда 2022-2026 йилларга мўълалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси каби аниқ, пухта ишлаб чиқилган ҳужжатлар муҳим аҳамиятга эга.

Бинобарин, мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлашга босқичма-босқич ўтишнинг ҳуқуқий, институционал ва иқтисодий асослари шакллантирилган. Ўзбекистонда аҳоли фаровонлигини ошириш, тadbirkorликни

ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш, манзилли ижтимоий ҳимоя масалаларини бевосита аҳоли яшаш жойларида (маҳаллаларда) кўриб чиқиладиган, бошқа хорижий мамлакатлардан фарқ қилувчи маҳалла миллий модели амалга оширилмоқда.

Мазкур тамойил асосида бир қатор институционал ислохотлар амалга оширилиб, бошқарув тизими ислох қилинмоқда, шунингдек, иқтисодий-ижтимоий сиёсатнинг барча соҳаларида аҳоли ҳамда фуқаролик жамиятининг кенг иштироки орқали демократиянинг ривожланиши таъминланмоқда. “Очиқ бюджет” тизими фаол ишлаб чиқилиб, янги “маҳалла бюджети” тизими амалиётга жорий қилиниши билан аҳоли маблағларни тақсимлашда бевосита иштирок этиб, ўз муаммоларини мустақил ҳал этмоқда. Мазкур мақсад учун давлат бюджетидан 426 миллиард сўм ажратилиб, бунда мол-мулк ва ер солиғи бўйича ундирилган маблағларнинг 10 фоизи маҳаллаларга йўналтирилади. Бу маблағлар маҳаллада аҳолининг огирини енгил қиладиган лойиҳаларга сарфланади.

Шунингдек, ҳар бир туман бюджетининг камиди 5 фоизи “Фуқаролар бюджети” дастури доирасида аҳоли тақлифлари асосида энг долзарб муаммоларни ечишга сарфланиши ҳам давлатнинг молиявий ресурсларидан самарали фойдаланишга хизмат қилмоқда.

“Яшил энергетика” —
давр талаби

Хориж сармоясини кенг жалб этиш давлатнинг молиявий ресурсларини тежайди. Шу боис, жорий йилда ҳам хорижий инвестициялар ҳажмини янада кўпайтиришга алоҳида эътибор

қаратилмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида жами 22 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Бу аввалги йилга нисбатан 1,8 баробар кўп.

Халқаро молия институтлари маблағлари устувор равишда ижтимоий, инфратузилма ҳамда сув ҳўжалиги лойиҳаларига йўналтирилмоқда. Шунингдек, грант маблағлари фаоллашиб, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, солиқни сақлаш, олий таълим, фан ва инновация соҳаларида хорижий ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик кенгайтириляпти.

Мамлакатимизда энергетика, айниқса, “яшил” энергетикани ривожлантиришга тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни кўпайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки 2026 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 25 фоизга етказиш эвазига йилгига қарийб 3 миллиард куб метр табиий газ тежаш мақсад қилинган. Бу, ўз навбатида, давлатнинг молиявий ресурсларини тежасан ҳолда аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Бугунги кунда юртимизда қуёш, шамол ва гибрид турдаги электр станцияларнинг давлат-хусусий шериклик асосида барпо этиш бўйича умумий қуввати 6,3 гигаватт бўлган 28 лойиҳа доирасида иш олиб боришмоқда. Шундан 2023 йилда хорижий инвесторлар билан биргаликда умумий қуввати 2,6 гигаваттлик 7 та лойиҳа доирасида дастлабки қувватлар ишга туширилди.

2024 йилда қуёш электр станцияларининг умумий қувватини 2,6 гигаваттга, шамол электр станциялари қувватини 900 мегаваттга етказиш ва 400 мегаваттлик энергия сақлаш қурилмаларини ишга тушириш режалаштирилган.

Умуман, иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда “яшил



иқтисодиёт” технологияларини барча соҳаларга фол жорий этиш иқтисодиётнинг энергия самардорлигини 20 фоизга оширади.

Ривожланиш пойдевори

Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг асосий мақсади ҳисобланади. Бу йўналишда қатор вазифалар белгиланган. Хусусан, ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатини 6 фоиздан кам бўлмаган даражада, инвестициялар эса ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан

камида 30 фоиз бўлишини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларида 18 миллиард долларлик 309 та йирик лойиҳани ишга тушириш назарда тутилган.

Миллий иқтисодиётни ривожлантириш борасида ҳам қатор вазифалар ўрин олган. Жумладан, бизнес учун янада қулай шароит яратиш мақсадида “Бизнесни қўллаб-қувватлаш дастури” амалга оширилади. Унга кўра, комплекс қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш орқали 2 миллион киши бизнесга жалб қилиниб, янги иш ўринлари яратиш орқали 5 миллион одамнинг бандлиги таъминланади.

Шубҳасиз, давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг барчаси аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга, тadbirkorликни жадал ривожлантириш, бандликни таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришга, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ошишига хизмат қилади. Унинг ҳар бир бандида белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилса, жойлардаги муаммоларга ечим топилиб, жамиятда, одамлар ҳаётида ўзгариш бўлади.

Тўққиз иш ўрнининг
бири туризмда

Тараққий этган давлатлар ҳам туризм ривожига катта эътибор қаратаётганидан кўриш мумкинки, бу соҳа ҳақиқатан иқтисодиётнинг муҳим драйверига айланыпти. Айниқса, аҳоли бандлигини таъминлашдаги ўрни муҳим бўлмоқда.

Мисол учун, ўтган йили ушбу соҳада 430 миллион киши банд бўлиб, бу дунёда яратилган барча иш ўринларининг тўққиздан бир қисmini ташкил этади. Демак, яратилаётган ҳар тўққизта янги иш ўрнининг биттаси шу тармоқда тўғри келмоқда.

Қадимий савдо йўли — Буюк ипак йўли марказида жойлашган ва тарихий ҳамда замонавий дунёнинг ўзига хос уйғунлигига эга Ўзбекистоннинг бу борадаги имкониятларини таърифлаш шарт эмас. Бунинг исботини Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош Ассамблеясининг 25-сессияси Самарқандда бўлиб ўтганида ҳам кўриш мумкин. Бинобарин, мамлакатимизда туризм имижини яхшилаш, соҳа ривожига учун барча қўлайликлар яратиш энг устувор масалага айланган. Бугун қарийб 100 мамлакат фуқаролари Ўзбекистонга визасиз кириши мумкин. Яна 55 та давлат сайёҳлари учун соддалаштирилган электрон виза тартиби жорий этилган.

Меҳмонхоналар, сайёҳат жойлари ва йўналишлар кўпайиб бормоқда. Ўтган йилнинг ўзида 15 мингта янги меҳмон ўрни ташкил этилиб, уларнинг сони қарийб 140 мингтага етди.

Тараққиёт мезонлари

Эллиққалъа туманидаги “Ифтихор” маҳалла фуқаролар йиғини аҳлининг асосий даромади томорқадан. Маҳалла азалдан сабзи етиштириш бўйича доврүк қозонган. Ҳар бир хонадон йилгига камиди 5 тонна сабзи олади. Одамлари ана шундай ҳалол меҳнат ортидан яхши ҳаёт кечиришга интиляётган маҳалла тобора обод ҳудудга айланмоқда.

Гап шундаки, Президент Администрацияси ва Халқ қабулхонаси, туман ҳокимлиги ҳамкорлигида тузилган ишчи гуруҳ томонидан жорий йил бошидан мазкур маҳаллада йиллар мобайнида йиғилиб қолган ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ечим топиш мақсадида амалий ишларга киришилди.

Ифтихорда шу йилнинг ўзида 3 та янги трансформатор ўрнатилиб, яна 3 таси капитал таъмирланади. 300 дан зиёд эскирган устунлар янгисига алмаштирилади. Шунингдек, 2 километр электр тармоғи янгидан тортилади.



ИФТИХОР НОМИГА МОС

— Маҳалладаги 845 хонадонда 1339 оила истиқомат қилади. Аҳоли сони эса 4827 нафар, — дейди маҳалла раиси Маҳмуд Давлетов. — Умумий 8,2 километр ички йўллар таъмирга муҳтожлиги аниқланиб, уларни тузатиш ишлари бошлаб юборилди. Бундан ташқари, ҳудуддаги яна бир мактаб олдига кузатув камераси, мактаб йўлига эса светофор ўрнатилади.

Худудлар қиёфасини ўзгартириш, файзли масканга айлантириш, муаммоларни бартараф этиш ва одамларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш ишлари изчиллик касб этаётгани билан диққатга сазовор. Бундай эзгу ишлар ўтган йили туманининг “Қаватқалъа” МФЙда ҳам олиб боришган эди.

— Қаватқалъа туманининг энг чекка ва муаммолу ҳудудларидан бири эди. Кейинги йилларда иккинчи сектор томонидан амалга оширилган ишлар туфайли ҳудуд замонавий қиёфегга кирди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг катта ёрдамчиси Раҳмон Санкибаев. — Шу йил аввалида эса Қорақалпоғистонда “Обод хонадон”,

“Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонларини таъминлаш учун 4 та тумандан биттадан маҳалла таллаб олинди. Бу гал иккинчи сектор ҳудуди этиб “Ифтихор” маҳалла фуқаролар йиғини белгиланди. Ҳозиргача маҳаллани ободонлаштириш ишларига 200 дан ортиқ ишчи, 30 дан ортиқ техника жалб қилинди. 4 километрлик пиёдалар йўлакчаси қурилди. Худуддан 5 минг тоннадан зиёд чинқинди олиб ташланди. 20 минг туф дов-дарахтларга шакл берилди.

Инсон қадри учун тамойили асосида мамлакатимиз бўйлаб ёйилган эзгу ташаббуслар халқимизнинг огирини енгил, узогини яқин, мушкулни осон қиялпти.

Маҳаллада беқорчининг ўзи йўқ, Кимдир томорқасидаги дарахтларга ишлов бераётган бўлса, кимдир иссиқхонасида банд. Яна бири ариқ тозаломоқда.

Ўзбекистон кўчаси 236-ўйда истиқомат қилувчи Ихтиёр Ибодуллоев туникабонд ишлаб чиқаришни йўлга қўйибди. Ёнида 12 йигит унга ёрдамчи.

— Бир ярим йил олдин “Ҳар бир оила — тadbirkor” дастури асосида олинган 30 миллион сўмлик кредитга ишлаб чиқариш учун зарур ускуналар харид қилгандим, — дейди Ихтиёр э. — Ҳозир буюртмачиларга туникабонднинг 60 дан ортиқ турини етказиб бераймиз. Ишчиларим 5 миллион сўмгача маош олади. Умуман, даромадимиз ёмон эмас.

Аҳолининг ҳамжихатлиги, оғизбирлиги ифтихорликларнинг ўзаро мулоқотида, муносабатиде яққол сезилади. Сабзи етиштириш бўйича илғор маҳалла аҳли томорқа ерлари атрофидеги ариқлар бўйида оқ терак, қора тол, жийда ўстиради. Оқ терак билан қора тол қурилишга ишлатилса, жийда ҳосили паррандага ем сифатида берилади.

Киска муддатда амалга оширилган ишлар, қолаверса, ички имкониятлар Ифтихор маҳалласини ҳар жиҳатдан обод, намунавий ҳудудга айлантирмоқда. Ёруғ кўчалар, текис йўллар, чиройли иморатлар, турли хизмат кўрсатиш шохобчалари муаммоларга ечим топилаётганидан, одамлар кайфияти худди турмуш тарзиде яхшиланиб бораётганидан далолатдир.

Минажатдин КАЛИБАЕВ,
журналист

Обод манзиллар

БУГУНГИ ШАРОИТ ВА ТАЛАБ

Гуллола МИРЗАЕВА,
*Шахрисабз шаҳри “Уймовут”
МФЙдаги ҳоким ёрдамчиси,
II даражали “Соғлом авлод
учун” ордени соҳибаси*

Ботик ача

Маҳаллага ҳоким ёрдамчиси бўлиб ишга ўтган илк пайтларим бу вазифани эплаб кетишимга бир оз иккилангандим. Ўзига хос масъулият, қўйилган билан ишлашнинг осон бўлмаслигини хис қилиб, хавотирлангандим. Лекин ўзим ҳам тadbirkor эканим, соҳани яхши тушунишим, тажрибам етарли бўлгани боис, ишни бажариб кетишнинг уйдасидан чиқа олдим.



Манманликка йўйманг-у, фаолият бошлаганимга икки йил бўлган бўлса, бугунга қадар айтишга арзигulik ишларни бажардик. Жумладан, маҳалламизда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида қатор янгилекларга қўл урилди ва шунга яраша натижага эришилди. Хусусан, ишлаб чиқариш ва турли маиший хизмат кўрсатишни ташкил этиш истагида бўлган 165 фуқарога имтиёзли кредитлар ажратилди. Қирқ беш нафарида субсидиялар берилди. Натижада кўплаб янги иш ўринлари яратилди.

Шунингдек, касаначилик марказлари ташкил этилиши ҳисобига хотин-қизларимиз ҳамда имконияти чекланганлар уйдан чиқмаган ҳолда ишлашига шароит пайдо бўлди.

Шундан келиб чиқиб, ишончга муносиб бўлиш, ишимни янада масъулият билан бажаришни мақсад қилиб олдим. Хусусан, маҳалламизда камбағалликни буткул бартараф этиш ҳаракатини бошлаб юбордим.

Олий таълим одимлари

РАҚОБАТБАРДОШ МУТАХАССИС

У қандай бўлиши лозим?



Мақсуд ИСОҚОВ,
геология-минералогия фанлари
доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Геология фанлари университети Президентимиз ташаббуси билан соҳадаги илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий этиш, ўқитишнинг замонавий услубларидан кенг фойдаланиш, геология соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, шунингдек, таълим жараёнининг моддий-техник базасини илгор хорижий технологиялар асосида мустаҳкамлаш мақсадида 2020 йилда ташкил этилган.

Университет таркибида соҳанинг етакчи илмий-тадқиқот муассасалари Ҳ.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти, Минерал ресурслар институти, Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти, Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти мавжуд.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 2 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимидаги геология фанлари университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Геология фанлари университети геология соҳасида таълим, илм-фан ва амалиёт интеграциясини таъминловчи илмий кластер ҳамда малакали кадрлар тайёрлаш ва илмий тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш бўйича республиканинг таянч олий таълим муассасаси этиб белгиланди. Мазкур қарорга мувофиқ, соҳанинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, мамлакатимиз олий таълим йўналишида биринчи марта таълим жараёнининг 70 фоизини амалий машғулотларга ажратиш белгиланди.

Университетнинг 10 та ихтисослашган кафедраси фаолиятини йўлга қўйиш белгиланди ва талабалар амалиёт учун



АМАЛИЁТ ЖАРАЁНИ СИФАТИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШГА, ТАЛАБАЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА САНОАТДАГИ РЕАЛ МУАММОЛАР ТЎҒРИСИДА ТАСАВВУР УЙГОТИШ, ҲАР БИР ТАЛАБА УЧУН КЕЛГУСИДА ИШ ЎРИНЛАРИНИ АНИҚЛАШТИРИБ ҚЎЙИШ КАБИ МУҲИМ МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТИНИ ЯРАТИШ МАҚСАДИДА 50 ТА КОРХОНА-ТАШКИЛОТ ҲАМДА ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИ (“ОЛМАЛИҚ КМК” АЖ, “НАВОИЙ КМК” АЖ, “НАВОИЙУРАН” ДҚ, “ЎЗБЕКНЕФТГАЗ” АЖ ВА БОШҚАЛАР) БИЛАН УНИВЕРСИТЕТ ТАЛАБАЛАРИНИНГ АМАЛИЁТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНГАН.

ходимлар, шунингдек, 6 нафар хорижий мутахассис жалб этилган.

2023-2024 ўқув йилидан бошлаб, дунёнинг етакчи 500 та ОТМлари рўйхатиغا кирадиган хорижий университетлар билан ҳамкорликда қўшма таълим дастури асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Жумладан, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети (QS World University Rankings да 87-ўрин) билан Геология (Геофизика) бакалавриат йўналиши бўйича “2+2” қўшма таълим дастури асосида, шунингдек, Томск давлат университети (QS World University Rankings да 418-ўрин) билан “Ер эволюцияси: геологик жараёнлар ва минераллар” магистратура мутахассислиги бўйича “1+1” қўшма таълим дастури асосида талабалар тахсил олмақда.

Бундан ташқари, 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб Беларусь давлат техника университети (QS World University Rankings да 801-850 таликка киради) билан Экология йўналиши бўйича қўшма таълим дастури йўлга қўйилиши режалаштирилган.

Университетда талаба ёшларнинг илмий ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш орқали интеллектуал элитани тайёрлаш ва бу борада юксак истеъдод соҳибларига, билимнинг тегишли соҳалари ва фаннинг аниқ йўналишлари бўйича ўз қобилиятини намоён этиш ва ривожлантириш, ўзларидаги ноёб истеъдодни рўёбга чикариш учун имконият яратиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Иқтидорли талабаларни тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш мақсадида бакалавриат босқичи талабалари учун И.Х.Ҳамробоев номидаги ва магистратура босқичи талабалари учун Ҳ.М.Абдуллаев номидаги стипендиялар таъсис этилган. Мазкур стипендиялар танловини ўтказиш бўйича низом тасдиқланган. Ўтган қисқа даврда магистратура босқичида ўқувчи 7 талаба Ҳ.М.Абдуллаев номидаги, бакалавриат босқичида тахсил олувчи 11 талаба И.Х.Ҳамробоев номидаги стипендия соҳибига айланди.



Жорий ўқув йилида университет талабаси Нозима Соаталиева Ислам Каримов номидаги давлат стипендияси соҳибаси бўлди.

Бакалавриат таълим йўналиши кундузги таълим шаклида тахсил олаётган 790 талабадан 297 нафари меҳнат фаолияти билан машғул. Уларнинг 135 нафари давлат муассасаларида, 162 нафари яқка тартибда ишлайди. Илмий ишларни бажаришга лаёқатли талабаларнинг илмий фаолият билан шуғулланиши учун имконият яратиш мақсадида талаба ва магистрантлар университет таркибидаги илмий-тадқиқот институтларида амалга оширилаётган лойиҳаларда иштирок этмоқда.

Амалиёт жараёни сифатини тубдан яхшилашга, талабаларда ишлаб чиқариш ва саноатдаги реал муаммолар тўғрисида тасаввур уйғотиш, ҳар бир талаба учун келгусида иш ўринларини аниқлаштириб қўйиш каби муҳим масалаларни ҳал қилиш имкониятини яратиш мақсадида 50 та корхона-ташкилот ҳамда йирик саноат корхоналари (“Олмалиқ КМК” АЖ, “Навоий КМК” АЖ, “Навоийуран” ДҚ, “Ўзбекнефтьгаз” АЖ ва бошқалар) билан университет талабаларининг амалиётини ташкил этиш бўйича ҳамкорлик меморандуми имзоланган.

Университетнинг тоғ-кон саноати ва геология соҳасидаги корхоналар билан ўқув ва илмий ҳамкорлиги тегишли фаолият соҳаларида минтақавий меҳнат бозорини шакллантиришнинг муҳим омилларидан бири бўлиши мумкин.

Мулоҳаза

ГИРДОБИГА ТУШГАН — ТАМОМ

ЁХУД ЁШЛАРНИ ДОМИГА ТОРТАЁТГАН “ЖОЗИБАДОР” ТУТУН

Бобом раҳматли бизни жуда яхши кўрар эди. Каерга борса, ортидан “дум” бўлиб эргашиб кетаверар эдик. Жуда ҳалол, истарали инсон эди. Лекин тамаки чекишни сира қанда қилмасди. Бизга кўрсатмасдан ҳовлининг бир бурчагига ўтиб чекиб келарди. Оилавий тўпланиб қолсак, “Манов ўлгурни тортмасам, туролмайман. Лекин сизлар бу иллатга яқинлашманг, қўлингизга ҳам олманг. Бир ўрганиб чиқиб, тамом, домидан қилиб кетиб бўлмайди”, дерди. Кўча-қўйда бизнинг олдимизда кимдир тамаки тутатгудек бўлса, “Ёшларга ўрнак бўляйсизларми?”, дея ўдағайлаб қўярди. Шунинг учун биз зарарли одатлардан узокда қатта бўлдик.

Бироқ бугун қаерга қараманг, ўсмир болалар кўча-қўйда түп-түп бўлиб, “жозибадор” тутундан роҳатланаётгани ва бундайлар кўплигига гувоҳ бўласиз. Шу каби ҳолатлар фақат кўча-қўйда назоратсизликдан бўлганга десак, баъзан мактабларда ҳам ўқувчилар сизарета тутатаётгани дилни хира қилади.

Юртимизда 21 ёшгача бўлган шахсларга тамаки ва спиртли ичимликлар сотиш тақиқланганига қарамай, ҳали вояга етмаган ёшларнинг қўлида ҳам тамаки ёки электрон сизареталарни кўрасиз. Энг қизиги, жамоат жойларида чекиш мумкин эмаслигига қарамай, бемалол тутун хидидан “баҳраманд” бўлишингиз мумкин...

Яқинда иш юзасидан бир мактабга йўлми тушди. Ўқитувчиларнинг айтишича, бу юртимиздаги етакчи мактаблар қаторида турар экан. Иш баҳона мактаб шароити билан танишаётиб, хунук ҳолатга кўзим тушди. Бир нечта йигит-қиз дарс вақтида бир чеккада тўпланиб, тамаки чекапти. Уларнинг орасида қизлар ҳам борлиги вазиятни баттар хунуклаштиради.

Ҳа, чиндан ҳам бугун ёшлар ўртасида чекиш урфга киргандек. Хўш, нега бу иллат кўлами ёшлар ўртасида ортиб бормоқда? Мутахассислар асосий сабаб бир-биридан жозибадор рекламалар кўпайиб, қонуний чекловлар тобора сусайиб бораётганини айтди.

Мисол учун, ҳозир ижтимоий тармоқларни кузатар экансиз, ҳар икки пост ёки рекламанинг биттаси сизарета ҳақида эканини кўриш мумкин. Ижтимоий тармоқлар орқали сизарета ва электрон сизареталарнинг кўплаб таъмига эга турлари реклама қилинмоқда. Ҳатто баъзи ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотлари харидоргирлигини ошириш учун машҳур шахслардан ҳам фойдаланмоқда. Ёшларнинг аксарияти ижтимоий тармоқларни кузатади ва яхшигина фаол ҳа. Тасаввур қилинг, сизарета рекламаси лентанингизда айланавергач, унга қизқиш, жилла қурса, бир “татиб” кўриш истаги пайдо бўлмайди...

Чекиш ортидан ҳар 6 сонияда 1 киши ҳаётдан кўз юмади

Мутахассислар 2050 йилгача сайёрамизда чекиш туфайли 450 миллион одам ҳаётдан кўз юмиши мумкинлигини прогноз қилмоқда. Шундан келиб чиқиб, ЖССТ ҳукуматларини вояга етмаганлар ўртасида электрон сизарета истеъмолини чеклаш ва ёш авлодини никотинга қарамликдан асраш бўйича шошилинч чоралар кўришга чақирди.

Яна бир оғриклик нуқта: бугунги кунда аттиги 34 давлатда электрон сизареталар сотуви тақиқланган, ҳолос. Бироқ жаҳоннинг 88 мамлакатида бундай маҳсулотларни сотиш учун минимал ёш чегараси белгиланмаган. 74 давлатда эса бу борада ҳеч қандай қонда мавжуд эмас.

Сизарета сотиш бутунлай тақиқланган яғна давлат — Бутан. Шунингдек, Норвегия, Янги Зеландия, Уругвай, Мальта, Италия, Швеция, Шотландия, Литва, Британия ва Виржиния ороллари каби давлатлар 2004 йилдан буён чекишни қаттиқ тақиқ остига олган.

Мамлакатимиз қонунчилигига кўра, таркибда жозибадорликни оширишга қаратилган моддалар (ароматизаторлар, бўёқлар, озиқ-овқат маҳсулотлари) бўлган электрон сизареталар, улар учун никотин ва никотинсиз сууюқликларни Ўзбекистон ҳудудига олиб кириш ва сотиш тақиқланган. Аммо кўчага чиқсангиз, ҳар учта ёшдан бирининг қўлида сизарета...

БМТ маълумотларига кўра, тамакидан йилга 5,4 миллион, яъни ҳар 6 сонияда 1 киши ҳаётдан кўз юмар экан. Юртимизда бу кўрсаткич йилга 30 минг кишини ташкил қилади. Бугунги кунда ҳар бешинчи



йигит, ҳар йигирманчи қиз тамаки чекувчи ҳисобланади. Қизиги, доимий кашандаларнинг ҳар ўнтадан тўққизтаси бу зарарли одатни 25 ёшгача орттириб олган.

Касалликларнинг “ўчоғи”

Чекиш ортидан келиб чиқадиган касалликларни, унинг оқибатларини яхши биламиз. Ҳатто тамаки қутисида ҳам “чекиш ҳаёт учун хавфли”, “чекиш ўпка саратонига олиб келади” каби маълумотлар қайд этилади. Лекин ёзувларга парво ҳам қилмаймиз. Уйда фарзандларимиз олдида бурқситиб сизарета тутатиб ўтирамиз. Уларнинг соғлиги, келажагига таъсири ҳақида қайғурмаймиз.

Келинг, шу ўринда чекишнинг салбий оқибатлари ҳақида яна бир маълумот бериб кетсак. Сизарет тутатиб турган вақтингизда атрофдагилар ҳам унинг заҳарли тутунидан азият чекади. Қандай қилиб, дейсизми? Тамаки тутунидан нафас олган одамларда ўпка саратонига чалиниш хавфи юқори бўлади. Кашандаларнинг фарзандларида эса кўпинча ўпка функцияси пайсаян бўлади. Натижада катта ёшда сурункали респиратор касалликларга олиб келади. Шунингдек, мунтазам равишда чекиш нафас олиш йўллари, томоқ-бурун, ҳалқум, трахея, бронхлар, ўпкага салбий таъсир кўрсатади.

— Чекувчилар бошқаларга нисбатан кўпроқ бешушликдан азият чекади, — дейди Топшенгт шаҳар наркологи диспансери нарколог-шифокори Фахриддин Низомов. — Бутун ҳаёти давомида тамаки чекувчилар ўртача 10 йилдан кам бўлмаган

қўмитаси раиси ўринбосари вазифасини бажарувчи Баҳриддин Ҳофизов. — Тамаки нафақат инсон саломатлиги ёмонлашишига, қолаверса, ўрмон ёнғинлари, тупроқ емирилиши, ҳавонинг кундан кун заҳарланиб, исиб боришига ҳам каттагина ҳисса қўшади. Экологияни ҳам ишлаб чиқарилиш жараёни, ҳам тутуни, ҳам қолдиғи билан зарарлайди. Масалан, 1 соат ичида ўраб қадоқландиган сизареталар учун 6 километр қоғоз сарфланади. Ҳар 300 донаси учун битта дарахт йўқ қилинади. Бу кунига 20 донали 1 қути сизарета чекадиган одам ойига 2 дарахтнинг “қотили”га айланади, дегани.

Дунё миқёсида чекиш туфайли ҳар йили атмосферага 2,6 миллиард кило карбонат ангидрид ва 5,2 миллиард кило метан ажралиб чиқар экан. Ҳар бир чекилган сизаретадан атмосферага 1,39 грамм иссиқхона газни ажралиб чиқади. 1 тасини ишлаб чиқариш эса 0,6 грамм иссиқхона газига сабаб бўлади. Тахминларга кўра, 2025 йилгача йилга 9 триллион тамаки истеъмол қилинади ва яна шунча иссиқхона газни атмосферага қўтарилиб, табиатга ва одамларга зарар беради.

Нима қилиш керак?

Аввало, ота-оналар уйдаги муҳитни яхшилаши лозим. Улар фарзандлари олдида бемалол тамаки чекиб ўтирса, болалар ундан ўрнак олади. “Қуш уясиди кўрганини қилади” деганларидек, болалар ўзлари учун қаҳрамон сифатида кўрадиган ота-оналарни қилган ҳамма ишни, албатта, такрорлаб кўради. Буни кўрсатиб ёки кўрсатмасдан қилиши ҳам мумкин. Шунинг учун ота-оналар фарзанд тарбиясига жиддийроқ қараш, назорат қилиши лозим. Ёмон одатларни ташлаб, унинг инсон ҳаёти учун салбий оқибатларини доимий тушунтириб бориши даркор.

Мактабларда ҳам назорат тадбирларини кучайтириш, чекаётган ўқувчиларга нисбатан жиддийроқ чоралар кўриш керак. Тўғри, ўқитувчилар ота-она нотўғри йўлга кириб қолган фарзандини тўғри йўлга қайтаролмаган, биз қандай қилиб қайтарганимиз мумкин, дейиши мумкин. Аммо бола тарбиясида оиланинг ҳам, мактабнинг ҳам ўз ўрни бор. Уларнинг тарбиясига ҳар икки томон шундай ёндаша, назаримизда, бундай нотўғри йўللарга кириб қолган ёшларнинг сони анча камаяди.

Яна бир жиҳат, мамлакатимиз қонунчилигига кўра, тамаки ва шунга ўхшаш рекламаларни тарқатиш, уни вояга етмаган шахсларга сотиш қонунан тақиқланган. Аммо негизда ушбу қонун ва қарорлар қоғозда қолиб кетаётгандек. Қолаверса, бугун ижтимоий тармоқ кундан кун ривожланиб бормоқда. Энди телевидениедан кўра, ижтимоий тармоқларда реклама бериш яхши натижа бермоқда. У ердан сизареталар рекламасини тўлиқ тақиқлаб бўлмас, аммо бир оз бўлса-да, сизарета ҳақидаги рекламаларни назоратга олиш имкони бор.

Мансурбек ЖАББОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Наврўз сайиллари

ЭТНОФЕСТИВАЛЬ

ҳам мўйноқликларга,

ҳам сайёҳларга қувонч бағишлади

Бекнур эрта тонгдан фестивалга боришга тайёргарликни бошлаб юборди. Чунки бугун этнофестивалда варрак учириниш бўйича мусобақа бўлади. Унда, албатта, Бекнурнинг варраги энг баланд ўлади. Ҳар йили варрак мусобақасида қатнашиб, бир оз тажриба ҳам тўплаб улгурди.

Мўйноқ туманидаги 2-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси Бекнур Аскербоев болалигидан варрак ясаб, учиринишга қизиқади. Бугун ҳам эрталаб ўзи ясаган варракни қўлига олиб, этнофестивалга етиб келди.

“Олам нурга тўлсин сен билан, Наврўз!” шиори остида ўтказилган этнофестивалда миллий куй-қўшиқлар, лапарлар янгради. Айтишувлар, фольклор этнографик сахна кўринишлари намойиш этилди.

Эрта тонгда белини маҳкам боғлаб, майдонга чиққан полковлар халқнинг “Эҳ, кўтар, норим”, дея қўллаб-қувватлашига жавобан рақибнинг курагини ерга теккизмагунча курашаверди. Бир томонда овул ва маҳаллалардан йиғилган жамоалар арқон тортиб куч синашса, бошқа томонда яна бир миллий ўйин кўрсатилди. Наврўзга хос анъаналар томошабинлар томонидан олқишлар билан қўллаб-қувватланди.

“NavrUz” этнофестивали томошаларида аҳоли ўзаро меҳр-мурувватдан, яшнаш ва яратиш туйғуларини тараннум этувчи дилбар наволардан олам-олам завқ олди. Ўзбек, қорақалпоқ, қozoқ, рус, туркман ва бошқа миллат вакиллари — бир оила фарзандидек аҳил-иноқ яшаётган мўйноқликлар этнофестивалини шоду хурамликда ўтказди.

Тартиб билан ўрнатилган миллий қора уйлар олдида ота-боболаримиздан мерос уй-рўзгор дастохлари олис ва яқин тарихдан сўзлаётгандай. Кўрпачалар солинган супаларни тўлдирган, байрам шукуҳидан, дориларом дамлар шукронасидан кўнгиллари юксалган нурунийлар қўлларини дуога очиб, эл-юртга омонлик, ризқ-насиба тилади. Шоҳсупаларда қадимий халқ қўшиқлари, айтишув ва ўланларни мароқ билан ижро этаётган момолар ёшлик завқини туйган бўлса, не ажаб.



Орол денгизи узра балиқ овиға кетган севгилисига қарата айтилган “Айдинлар” қўшиғини бутун жамоа баян чалаётган Айгул опаға жўр бўлиб куйламоқда. Дарҳақиқат, бу қўшиқ денгизнинг тўлқинлари мавж уриб турган пайтларни момоларға эслатгани рост.

1987 йил. Айгул Елмуратова тақдир тақозоси билан Қозоғистон Республикасидан опасини кўргани Мўйноққа келади. Ёшларнинг кечки сайлида мўйноқлик йиғитларнинг бири юрагини забт этиб, шу ерда макон тутиб қолади. Айгул опа баяни ҳам, дўмбирани ҳам сайратиб юборади. Чунки мусиқа мактабида ўқувчиларға сабоқ берган.

Яна бир қора уйнинг олдида урчуқда ип йиғириб ўтирган Қаншайим опа Қошниязова-ни байрам билан табриқлади.

— Наврўз байрами ҳар йили кўтаринки руҳда ўтказилиши яхши анъанаға айланди. Ўзимизни, ўзлгимизни ва миллийлигимизни қайта тиклашға, ота-боболаримиздан мерос қолган дастурларимизни давом эттиришға куч беради, — дейди Талли ўзақ маҳалласидан келган Қ.Қошниязова. — Ҳозирги ёшлар урчуқ нима-лигини билмайди. Чунки бугун ҳатто пайпоқлар ҳам замонавий техникалар ёрдамида тайёрланади. Момоларимиз урчуқда туянинг, қўй ва эчкининг юнгини йиғириб, ип қилиб, пайпоқ тўқиган. Биз ҳам бу ҳунарни давом эттирдик. Менинг



қувида сутдан қатиқ, қатикдан айрон, айрондан сарёғ олардик.

Бу гарег этнофестивалда кўркам расталарда қўлигул ҳунармандлар томонидан ташкил этилган халқ ҳунармандчилиги ва миллий таомлар кўрғазмалари, тумандаги ҳар бир маҳалла аҳлининг ўзига хос урф-одат ва анъаналари акс этган шоҳсупалар тўридаги ноз-неъматларға тўла дастурхонлар кўзларға қувонч, дилларға фараҳ бағишлади.

“NavrUz” этнофестивали сайлида 69 ёшни қаршилаган ҳунарманд Юсуп Амировни учратиб қолдик.

— 1988 йилдан буён қишки бош ки-йим тўқши билан шугулланаман. У пайт-лар “Зима” деб номланган кооператив ташкил этилиб, қундиз, қуён, тулки, кўзи, эчки терисидан малақай (бош ки-йим) ясаб, сотардик, — дейди тумандаги ҳунармандлар аллеясида фаолият олиб бораётган ҳунарманд Юсуп Амиров.

— Бизнинг маҳсулотта чет эллик сайёҳлар ҳам қизиқади. Масалан, Америка, Франция, Германия ва Жанубий Корея давлатларидан келган сайёҳлар сотиб олмоқда. Бугунги этнофестивалда ҳам хорижлик сайёҳлар устахонамға таширф буюрди.

Шундай, этнофестиваль тадбирларида иштирок этаётган чет эллик меҳмонлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Бугунги тадбирда 50 дан ортққ туристлар қатнашди. Англия, Италия, Франция, Польша, Германия, Хитой ва бошқа давлатлардан таширф буюрган меҳмонлар миллий қадриятларимиз тасвирланган ҳар бир кўрғазмани, миллий спорт ўйинларини катта қизиқиш билан томоша қилди.

— Ўзбекистонда Наврўз байрами кенг нишонланишидан хабаримиз бор. Бу янги кун, янги йил, деган маънони билдирар экан. Таққослаб қарасак, бизнинг янги йилни кутиб олишимизға ўхшайди, — дейди италиялик сайёҳ Сальвадорье Соржини. — Сизнинг миллий кийимларингиз, таомларингиз, уларнинг олис тарихи жуда қизиқтириб қўйди. Тўн билан чўғирмани кийиб кўрдим. Жуда иссиқ экан. Айниқса, одамларнинг меҳрибонлиги, меҳмондўстлиги, қалбининг иссиқлиги ёқди. Келаси сафар дўстларимизни ҳам олиб келмоқчимиз.

Туризм бугунги кунда кўпгина давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий фаолиятида етакчи тармоқлардан бириға айланди. Шу билан бирға, ҳар томонлама фойда келтирувчи иқтисодий ривожланишнинг драйвери ҳисобланади. Масалан, қайсидир давлатнинг фуқароси иккинчи бир давлатта саёҳат қиладиган бўлса, биринчидан, у фуқаро саёҳат қилиш орқали ўзига завқ ва ўйин-кулги бағишлайди ҳамда маънавий ва интеллектуал эҳтиёжини қондиради. Иккинчидан, жисмоний кучини тиклайди ва ривожлантиради. Бунинсон учун фойдали деб қарайдиган бўлсак, туризмнинг мамлакат учун ҳам наф берадиган томонлари кўп. Яъни иқтисодий, маданий ва ҳоказо. Бугунги кунда давлатимиз томонидан туризмни ривожлантиришға алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Мўйноқ туманида ҳам. Сайёҳларни янада кўпроқ жалб этиш мақсидида “Наврўз”, “Миллий от ўйинлари”, “Стихия”, “Орол балиқчилигининг 99 турли таомлар”, “Мўйноқ ва Оролнинг қайта тикланиши”, “Мўйноқ Ралли” каби тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

“NavrUz” этнофестивалида ҳам маҳаллий ва чет эллик сайёҳлар от аравада, квадроциклда, отда сайр қилди. Миллий таомлардан татиб қўриб, санъатимиздан баҳраманд бўлди. Сайилгоҳ узра АН-2 самолётининг айланиши барчани беихтиёр осмонға боқишга, парвоздан завқланишға омонди. Мусаффо очиқ осмонда баландға кўтарилган Бекнур ясаган варрак ҳам кўпчиликнинг диққатини тортиди. Бекнур мусобақада ўрин олгани ёки олмаганидан, рост, хабарим йўқ. Лекин барча иштирокчилар ушбу этнофестивалдан бир олам завқ олгани рост.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Унинг учун атроф қуюқ тумандек. Ҳеч нарсани аниқ-тиниқ кўриб бўлмайди. Йўқотилган ва тикланмас сезгилардан наф йўқлигини англайди. Ҳали бой берилмаган сезгилар эса янада тиниклашади. Атрофға қулоқ солади. Отанинг тандир ясаётганини тап-тап деб урилган товушдан англайди. Кейин отаси Нарзулла қулоқ чархға ўтиради. Оёғи билан айлантиради. Ёшгина Хайрулла ҳаммасини эшитади, ҳатто отасининг қўлида шаклга кираётган бежирим буюмнинг сассиз қўшиғига.

ХУНАРМАНДЧИЛИК

КУЛОЛЧИЛИК ШУНЧАКИ МЕҲНАТ ЭМАС, БАЛКИ ИЖОД МАҲСУЛИ

Эшитиш сезгисига энди қўл сезгиси ҳам ёрдамға келади. Ана шу икки ҳис термизлик Хайрулла Жўраевнинг воҳада таниқли тадбиркорға, моҳир қулолға айланишиға етарли бўлди.

Тўғри, кўзлари ожизлиги туфайли 2-гuruh ногирони. Дунёни бир ёки икки рангда, ўшани ҳам одатда хира кўради.

Лекин унинг қўл меҳнати ортидан яратилаётган бежирим қулолчилик буюмлари нафақат воҳа хонадонларида жой олган, балки сувенир сифатида Термиздан узоқ-яқинларға қанот ёзиб “учяпти”.

Хайрулла Жўраев — қулоллар сулоласидан. Ота-боболари Шеробод туманида номи чиққан усталардан бўлган. Ҳа, фан-техника ривожлангани учунми, қулолчилик анъаналари бир оз унутилди. Оиладан кўпчилик бу йўлни танламади. Хонадон соҳибни Нарзулла Жўраев эса Термизға кўчиб келиб, ҳовлисида тандир ясаб сотиб, ҳунарманд сифатида танилди. Фарзандлари (Хайрулладан ташқари) бошқа касбларнинг этагидан тутди. Ота юрагининг орғини ҳам, дарду ташвиши ҳам Хайрулла эди...

Тандир тайёрлаш учун Хайрулла лой қорди, сомон қўшди, тепди, пишитди. Ота



тандир ясади. Ўзининг атрофида қўймаланиб юрган, зайф кўрувчи ёш қулол — ўғлини кузатиб эзилди...

Орадан йиллар ўтиб, шу фарзанди бо-бомерос касби ортидан танловларда го-либлик шоҳсупасига чиққанида, имтиёз асосида олийгоҳға ўқишға кирганида, қатор диплом ва ташаккурномалар олиб келганида қалбидаги ўша ғубор аригандек бўлаверди.

2019 йилда Термиз шаҳридаги Саховат маҳалласида “Уста қулол Жўраев” номи қулолчилик маркази иш бошлади. Унинг ташкилотчиси ва бош қулоли Хайрулла Жўраев бўлди. 2020 йилда ёш қулол давлатимиз раҳбари томонидан “Жасорат” медал билан тақдирланди.

Шу йили имтиёз асосида Термиз давлат университетини талабаси бўлди.

Шеробдиннинг тоғли Пошхурт қишлоғида ўз касби билан донг таратган машҳур қулоллар сулоласининг ёш вакили Хайрулла Жўраев бугун қулолчилик марказида ишлаётир. Бу ерда ёшларға ушбу соҳа сирларини мукаммал ўргатиш учун барча шарт-шароит яратилган. Марказни барпо этиш ҳамда жиҳозлашға Термиз шаҳар иккинчи сектор ва “Хунарманд” уюшмасининг вилоят бошқармаси яқиндан қўмаклашди.

— Марказ қурилганидан кейин уни давлатнинг масъул идоралари кўмаги билан меҳор ва бошқа зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозлади, — дейди Хайрулла Жўраев. — Ўша йилнинг ўзида бир йўла ўндан ортққ ёш қулолни тайёрлаб, қадимий касб сир-асрорларини чуқур ўрганиб, мустақил ҳаётға йўланма олиши учун барча шароит яратдик.

Хайрулланнинг айтишича, қулолчилик шунчаки меҳнат эмас, ижод. Қачонки, “илҳоми келса” кучи етгунча, ҳафталаб устахонадан бери келмайди, ишлайди. Баъзида ҳафсаласи бўлмайди.

— Олийгоҳға биз каби имконияти чекланганлар учун имтиёзли равишда қабул қараёنлари бошланибди, дейишган, дунёни биринчи бор рангли кўргандек бўлганман, — дейди Х.Жўраев. — Ҳозир Термиз давлат университети миллий либос ва дизайн факультети тўртинчи босқич талабасиман. Бир неча кун устахонаға кирмасам, соғинчим нимадан бошланади, биласизми, тупроқнинг намчил ҳиди димомимға урилади. Аслида, лой атрофимда бўлмаслиги мумкин, лекин мен шунини юракдан туяман. Келаман, чархға ўтира-



ман, буюмлар ясайман. Мана бу — чинакам завқ.

Хайрулла Жўраев уй-рўзгор буюмлари, тандир, кичик фаввора, турли сувенирлар, кўза, хум ва ҳайкалтарошлик намуналарини ясади. Ҳозирги кунда у олийгоҳда таҳсил олиш билан бирға Термиз шаҳридаги Президент мактабида ташкил этилган Ёш қулоллар тўғрисида ўқувчиларға сабоқ бериб келмоқда. Орузси магистратура босқичида ҳам таҳсил олиб, Сурхондарё қулолчилик мактабининг янада жонлантириш.

Халқда шундай нақл бор — яшашни кўзи ожиздан ўрганиш керак. Негаки у оёқ қўягани жойини ҳассаси билан аниқ қилмагунча қадам босмайди.

Сурхондарёда моҳир ёш қулол сифатида танилаётган бу йигитнинг яшашға бўлган иштиёқи кучлилиги боис, ўз мақсидиға эришса олди. Орамизда зулматни ўз тафаккури, эзгу ниятлари, меҳнати билан маёқ янглиғ ёритиб яшаётган шундай матонатли инсонлар ҳаёти ўзига хос ибратдир.

Сарвар ТўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ҒАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА Ўқиш учун МАЗКҲУR-QR-KODNI СКАНЕР ҚИЛИШ.

